

**Мустафаев Шомурод Нормүминович Самарқанд Давлат Университети , Каттақўргон филиали ,
Педагогика фанлари доктори , Docent.**

Булатов Саидахбор Собитович

Тошкент давлат педагогика университети профессори,
Россия халқаро педагогика фанлари академиясининг академиги, педагогика фанлари доктори.
(97) 344-19-52

НАЖМИДДИН КУБРОНИНГ «ЛАТОИФ НАЗАРИЯСИ»

Аннотация. Мусулмон оламидаги энг забардаст мутасаввуф донишмандлардан бири буюк ватандошимиз шайх Нажмиддин кубронинг «латоиф назарияси»нинг концептуал асосларини илмий ўрганиб, комил инсонни тарбиялашда инсон қалбидаги ранглар орқали шогирдларни тарбиялаш механизми хақида баён этилган.

Таянч сўзлар: қалб, шогирд, комил инсон, тарбия, рух, онг, пир, устоз, концепция, қора ранг, қадрият, шакл, мазмун, моҳият, оқ ранг, кулранг, миллилий, руҳият, санъат, ўзига ҳослик, анъана, интеграция, механизм, тарих, шайх.

Аннотация. Научно изучил концептуальные основы «теории латоиф» шейха Наджмуддина Кубры и описал механизм обучения студентов через цвета человеческого сердца в воспитании совершенного человека.

Ключевые слова: Душа, ученик, идеальный человек, воспитание, дух, Сознание, Старший, Учитель, Концепция, черный цвет, ценность, Форма, Содержание, сущность, белый цвет, серый, национальность, Психика, Изобразительное искусство, Личность, Традиция, Интеграция, механизм, История шейх.

Abstract: One of the greatest mystics in the Muslim world, our great compatriot Sheikh Sheikh Najmuddin Kubra, scientifically studied the conceptual foundations of the “Latoif theory” and described the mechanism of educating students through the colors of the human heart in educating a perfect person.

Key words: soul, disciple, perfect person, upbringing, spirit, consciousness, elder, teacher, concept, black color, value, form, content, essence, white color, gray, nationality, psyche, art, identity, tradition, integration, mechanism, history sheikh.

Нажмиддин Кубро (тажаллуси; асл исми-шарифи Ахмад ибн Умар ибн Муҳаммад Хивақий ал-Хоразмий) (1145-Хива-1221) - улуғ шайх, тасаввұфнинг таниқли вакилларидан бири, кубровийлик тариқатининг асосчиси (унинг тажаллуси “диннинг улуғ юлдзузи” маъносини беради). Кубронинг каромат қўрсатиши, воқеаларни олдиндан билиш, ўткир назари билан таъсир эта олиш хислатига эга инсон бўлғанлиги ҳақида ривоятлар тарқалган. Кубро ёшлигидан илмга қизиқкан, қобиляти бўлган. Ислом асослари, шариат, ҳадис ва тавсирни жуда тез ўзлаштириб олади. 16-17 ёшларида таҳсилни чуқурлаштириш мақсадида Хоразмдан чиқиб, Эрон, Миср, Шому, Ироқ мамлакатларини қезади. Тариқатдан хабардор бўлишга интилиб, бир неча шайх, дарвишлар сухбатида бўлади. Илк дафъа Мисрда шайх Рӯзбихон Ваззон Мисрий (1189 й.в.э.)га мурид тушади, ундан тариқат одобини ўрганади, шайхнинг қизига уйланади. Кейинчалик Ҳамодонда шайх Аммор Ёсири (1187 й.в.э.), Дизфулда шайх Исмоил Қасрий (1193 й.в.э.) каби устозлардан сабоқ олди. 25 йилдан ортиқ умрини илм таҳсилига бағишилаган. Кубро 1185 йил Хоразмга қайтиб келди. Бу ерда катта ҳонақоҳ курдириб, ўз диний мактабини яратди. Кубро кишиларни эзгуликка, илмга, саҳоват ва мардликка давъват этади. Унинг тарбиясини юзлаб одамлар ирфоний маърифатдан баҳраманд бўлдилар. Кубронинг муридлари Маждиддин

Бағдодий (1209-1219 й.в.э.), Ҳумавий ва Саъдиддин Доя (1256 й.в.э.) тасаввуф тарихида ном қозонган шайхлардир.

Кубро ўз қарашларини араб тилида ёзган бир неча рисолаларида баён этган. Улардан асосийлари “Фавоиҳ ал-жамол ва фавотиҳ ал-жалол” (“Жамол хушбўйликлари ва жалолнинг кашфи”, «Ал-усул ал-ашара» («Ўнта усул»), “Рисола ат-туруқ” (“Тариқатлар рисоласи”), «Рисолат ал-хоиф ал-хоим минловм ал-лоим» (“Маломатчининг маломатидан ҳазар қилувчи ҳақида рисола”) ва бошқалар. Кубронинг форс тилида ёзилган “Фи одобус соликни” (“Соликлар одоби ҳақида”) рисоласи ҳам бор¹.

Нажмиддин Кубро жуда кўп илм-фан соҳаларининг катта билимдони бўлган. Нажмиддин Кубро, инсон қалбини чукур рухшунос ҳамdir.

Кубровийлик - тасаввуф тариқати. XIII аср бошида Хоразмда Нажмиддин Кубро асос солган. Унинг асарларида тариқатнинг моҳияти, ўзига хос талаб ва қоидалари баён қилиб берилади. Кубронинг тасаввуфий таълимотига кўра, инсон ўз моҳияти билан кичик бир оламдир, у катта олам бўлган коинотдаги барча нарсаларни ва сифатларни ўзига хос мақомларда² жойлашгандигидан, ҳақиқат йўлини қидирувчилар бундай камолга эришиш учун маълум риёзатли йўлларини ўтишлари зарур³. Бу йўлда унга пири комил раҳномолик қилиши керак. Кубро камолатга эришиш асосларини қуидаги ўнта талаб (“Ўнта усул”)да ифодалаб берган: Унинг фикрича Ҳақни таниш йўлида мурид пири раҳномолигида ўнта зинадан иборат тариқат пиллапоясини босб ўтиши зарур бўлган.

Нажмиддин Кубро “Ал усул ал ишара”, “Рисола ат турук”, “Фи ахбоб-уссоликин”, “Фавойид ул жамол” каби асарларида “Латоиф” назариясига алоҳида ўрин беради. Сўфий маҳсус машқлар орқали холат, шакл ва ранг ўзгариши хосиласи бўлган бу марказни хис қилиши ва кўриши керак.⁴

Нажмиддин Кубро кечинмалар нозик ҳолатларни пухта билганидан, шунга мувофиқ «Латоиф» назариясини ишлаб чиқади. Бу назарияга биноан, инсон рухи кўзга кўринмас бир латиф⁵ марказлардан иборат. Бу онг ва туйғу, рух ва жисм орасидаги бир нарса.

У шундай нозикки, уни илғаб олиш ҳам мушкул. Аммо инсон ҳаётида бу «латоиф» марказининг аҳамияти катта. Сўфий айнан шу марказларни яллиғлантириб, ўткирлаштириб бориш ва илғаб

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. -Т., “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2003, 5-том, 112-бет.

² Мақом (тасаввуфда) – исломда суфийликка хос тушунча, ҳар бир суфий босиб ўтиши лозим бўлган босқичлар. Тариқатларда М.ларнинг сони ҳар хил келтирилади, лекин кўп холларда 4 М. тилга олинади% шароит, тариқат, маърифат, ҳақиқат (қ. Тасаввуф). Лекин, тасаввуфнинг айrim йирик номоёндалари М.ларни кўпроқдеб ҳисобланган. Мас., Фаридуддин Аттор 7 М., Газолий 9 М.ни таърифлаган. Ҳар бир М. ҳам, ўз навбатида, бир неча кичик босқичларга бўлинади (айrim суфийларда бу босқичлар 8 дан 10 гача кўрсатилган) ва уоар манзил деб аталади.

³ Комилов Н. Тасаввуф. “Мовароннахр” –“Ўзбекистон”. –Т.: 2009 йил.

⁴ Карабаев У. Нажмиддин Кубро мероси ва унинг “Латоиф” назарияси. // Санъат журнали. Т.: 2001, №3, 20-бет.

⁵ Латиф-юмшоқ, мулойим, гўзал, келишган, ёқимли.

олиш даркор. Ана шу «латоиф»⁶ инсоннинг илохий хислатидир. Сўфий⁷ риёзатлари⁸, машқлар давомида бу латоифни турли ҳолатларнинг ўзгариши ранглар ва шаклларнинг алмашиши тарзида тасаввур қилинади.

Нажмиддин Кубро назарида нукта, доғ ва дори муриди⁹ руҳий ҳолатлари ўзгаришида муҳим хизмат қиласи Доира доимий айланишда, у доғини ҳам ўз ичига олади. Аммо булар марказга томон, яъни, нукта сари интилади. Нукта моҳиятини англаш оркали Аллоҳ оламини идрок этса бўлади.

Шундай қилиб ранглар сўфийнинг руҳий ҳолатлари, Аллоҳ томон сафаридағи даражага босқичларини билдириб туради. Рангларни хилма-хиллиги ва алмашиниб туриши соликнинг аҳволини, шурый кечинмаларининг давом этаётганини ифодалаб, у ҳали талаввун, яъни, ботиний-тафаккурий кечинма-ўйларининг алғов-далғовида, турли-туманлигини англатади. Руҳнинг рангдан ранга кўчиши ривожидан нишонадир. Ушбу жараён охир оқибатда рангсизлик ҳолатига, яъни тамкинга олиб келади. «Тамкин»¹⁰ ҳолатига кирган сўфий «талаввун»¹¹ дан (рангбарангликдан) қутилиб, Ваҳдат оламига қўшилган бўлади. Чунончи зангори ранг тўғри келади. Қизил рангда соликнинг тавба қилиб, тариқат¹² бошланади, солик қалбидаги мұхаббат қўзғалади, у Аллоҳ ёди билан яшайди ва бу сарик ранга тўғри келади. Қизил рангда соликнинг руҳи вужудидан ажрала бошлаганни, маърифатга яқинлашгани, маънавий моҳиятлар оламини англашани маълум қиласи. Аммо бу босқич холи ҳирс нуктасидан халос бўлмаган бир ҳолатдир. Сўнгра оқ ранг кўринадики, бу юракнинг покланишига ишорадир ва ҳақиқатни англаш бошланади. Ҳақиқат оламидан хабардор бўлиб, тавқит ҳолатини бошдан кечиради.

Шундан сўнг яшил ранг келади. Яшил ранг валийликдан нишонадир. У сирларнинг сирига, гайбга ошноликни билдиради ва соликнинг асл моҳиятига эришаётганини ҳам англатиш мүмкин, мазкур ранглар соликнинг Аллоҳ билан руҳий сафарларини англатган бўлса қора ранг Аллоҳдан ҳалқ сири қайта сафарини билдириб, канзул сир-асрорлари хазинасини (барча ҳақиқатга эришиши) эгаллашни ва ҳайратга ғарқ бўлишини ифодалайди.

⁶ Латиф-юмшоқ, мулойим, гўзал, келишган, ёқимли.

⁷ Сўфийлик-уюшма, жамоа деган маънени билдиради, яна сўфийлик арабча “сўф” (жун) сўзидан олинган бўлиб, исломдаги диний фалсафий таълимотдир. Сўфийларни олдига қўйган мақсади моддий бойликни қоралаб, ҳақиқий бойлик-маънавий, руҳий бойлик деб хисоблайдилар.

⁸ Риёзат-нафс ҳоҳиши қилган нарсалардан тортиниб, жўрттага ўзини қийналиш машаққатланиш.

⁹ Мурид (арабча)-“эргашувчи” “талаб этувчи”, “истовчи”. Бирор ишни қилишга жазм ва азму қарор қилган одам. Пир, Эшонга қўл бераб , сўфийлик йўлига кирган шахс. Пирнинг шогирди. Бутин ақлу иродасини Аллоҳга қараб тариқат сирларини ўрганувчи киши. Муҳиблик мақомидан кейинги мақом.

¹⁰ Тамкин-оғирлик, чидам, оғир тарбиялик, савлат, ҳайбат.

¹¹ Талаввун-ранг-баранг бўлиш, ўзгариб туриш, товланиш.

¹² Тариқат-усул, йўл, маслак, сўфийлик йўли.

Шариатнинг мағзи - ҳикматини бошқатдан идрок этиб, қоронғи бир доғ ранга ўралади. Ва ниҳоят солик¹ руҳи яна Аллоҳ ҳузурида пайдо бўлади. У қора рангдан қутилиб, рангсизлик ҳолатига киради. Зотига¹³ куллик даражасини эгаллаган солик бир ранглик ҳолатида мақсадига эришади.

Муриднинг Аллоҳ томонидан сафардаги даража босқичларигина ранглар орқали акс эттирилиши ва бу даражаларида муриднинг қилиши лозим вазифалар мезони берилган.

Кўринадики, Нажмиддин Кубродаги ранглар ва маънолари кейинги вақтларда тасаввуп назариячилари таърифлаган рангларнинг шархидан фарқ қиласди. У етти ранг хислатини, етти тушунчага мослаб тушунтирган.

Солик¹⁴ руҳи ҳолатларини, қайси ранг кўз олдида намоён бўлаётганини пирига айтиб туриш керак. Пир¹⁵ шунга қараб муриднинг билиб, унга вазифалар юклайди. Хоразмли Шайхда рангларни қутидаги тартибда жойлашган.

Нажмиддин Кубро солик эътиқоди ва иймонига кўп эътибор берган. Шунинг учун у иймон, итминон, иқон (ишонч) сўзларини қайта-қайта таъкидлайди. Аммо қора ранг таърифида ўхшашиблик мавжуд. Нажмиддинда бўлгандай, кейинги сўфийлар ҳам қора рангни ҳайрат белгиси хисоблаб, руҳнинг фанога изоҳ ҳолати рамзи сифатида кўрсатганлар.

Олим, авлиё ва бошқаларнинг қалбидаги ранги турлича бўлган. Фаридиддин Атторга кўра аҳамият боҳасида абадийлик топган ва илоҳий сифатлар билан сифатланган. Ҳис ва акл сарҳатларидан отиб шарафланиш билан шарафланган бўлган ҳолда бандалик ибодатини канда қилмаган комил инсондир. У ҳақни англаган ва унга сингиб, эриб кетиб ягона руҳ билан қоришиб кетган инсон руҳи ҳам ҳақиқатидир, деб таърифланган. Мансур Халложнинг қалбидаги Нажмиддин Кубро солик эътиқоди ва иймонига кўп эътибор берган. Шунинг учун у иймон, итминон, иқон (ишонч) сўзларини қайта-қайта таъкидлайди. Аммо қора ранг таърифида ўхшашиблик мавжуд. Нажмиддинда бўлгандай, кейинги сўфийлар ҳам қора рангни ҳайрат белгиси хисоблаб, руҳнинг фанога изоҳ ҳолати рамзи сифатида кўрсатганлар.

Мансур Халложнинг қалбидаги ранги кулранг бўлгани, яъни у муридликнинг энг юқори босқичи еттинчи босқичига яъни кул даражасига кўтарилган авлиёлардан бўлган.

Ҳожа Аҳрор Валий - Туркистонлик табарруқ авлиё, нақшбандия сулукининг машҳур шайх-муршиди. У ислом оламида катта нуфизга, мавқега эга бўлиб, «валий-авлиё» сифатида танилган. Унинг қалбидаги ранги яшил бўлган.

«Авлиё Аҳмад Яссавий қалбидаги ранги яшил бўлиб, у 63 ёшда Яssiда ер остига кирган ва унинг ҳаётида сифат жиҳатдан янгича ҳаёти бошланади. Бу ердаги ҳаёт ўзгача қонуниятлари асосида кечади. Бу дунё ташвишларидан қутилиб, фақат илоҳий, руҳий оламда яшаш барчага ҳам насиб этавермайди. Бундай олий ҳолатни Яссавий хадиси шарифга асосланиб, «ўлмай туриб ўлиши , «Мўта ло тамўдад» деб атайди. Бундай одам моддий ҳаёт чегарасидан ўтиб, нури Муҳаммадийга яқинлашади. Бундай авлиё энди сўфий дарвешлардай жарангли зикир билан шуғилланмай,

¹³ Зот-1) эга, 2) моҳият бир нарсанинг асли асоси.

¹⁴ Солик-бирор сўфийлик маслагига мансуб, сулук (сўфийлик йўлини, тушунча).

¹⁵ Пир-қари, кекса, маж, эшон, сўфийлар бошлиги.1.1-жадвалга қаранг.

дилида тоат-ибодат қиласи. Валий Аллоҳ жамолини ўзидан фақат жон пардасигагина тўсиб турганини англайди.

Хуллас, Нажмиддин Кубронинг ранглар ва шакллар билан боғлиқ руҳи, психологик тажрибалар кейинги сўфийлик томонидан ривожлантирилган. (Айтиш ўринлики, инсон руҳи билан боғлиқ бу манзара ва ҳолатлар Овропада XX аср бўсафасида кенг ўрганилиб, янги билимларнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Чунончи, Кафка, Шопенгауэр, Фрейд фалсафасида паропсихология асосий ўринни эгаллайди.

Оlamda Аллоҳ таоло ва унинг расулидан ташқари яна авлиё ва асфиёларга, донишманд-бузургворлар бор. Уларга биз эътиқод ва эҳтиром билан яшаб келинади. Уларнинг ҳоки пойига зиёрат этиб руҳларни шод айлаб, руҳий- маънавий ибрат олинади. Уларни эъзозлаш покликни, маърифатни ва иймонни эъзозлашдир.

Валийларнинг табаррук руҳларини ёд олиш, уларга дуо юбориш фарқли биз ўз қалбимизни, виждонимизни тозалаш, ҳаёт тарзимизни ростлик ва эзгулик сари мувофиқлаштиришга интиламиз. Чунки валийларнинг маънавий мерослари ва амаллари бизга ибрат ҳамда сабоқdir. Шундай экан,

комил инсонлар ҳаётини ўрганиш, ўзини ва бутун оламларни яратган Раббисини таний олишнинг калитидир. Ҳар бир соҳада аждодларимиз ранг

илми бўйича чексиз маънавий хазинага эгадир. Ҳозирда жаҳондаги, айниқса, ривожланган мамлакатларда маҳсус ранг институтлари ва илмий лабораториялари бу борада самарали фаолият кўрсатиб келишмоқда. Бу ўринда Токио шаҳрида ҳамда Берлин шаҳрида Баухауздаги ва бошқа шаҳарлардаги рангшунослик институтлари дунёга машҳурдир.

У ерда тарбияда, маънавиятда қишлоқ хўжалигида, тижоратда, техникада, тиббиётда, рамзийликда, фалсафада, психологияда, экологияда, меморчиликда ҳарбий соҳада, дизайн, диний илмда ва бошқа соҳаларда рангларнинг ўрни бўйича жуда катта илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ранг - бир мўъжиза, у даволайди, у хасталайди, у тарбиялайди, у кайфиятни кўтаради, у дунёни билишни ўргатади, у ўзимизни ва яратган Роббисини таний олишга ўргатади. Рангларда бир дунё илм

сирлари, маънавият хазиналари яшириниб ётибди. Бу сирларни ўрганиш, рангшунослик фанини янада ривожлантириш, тараққиёт учун муҳим аҳамият касб этади.

Аргентиналик машхур адаб ва файласуф Хорхе Луис Борхес “Дунё деган эди – гаройиб, унда ҳар нарса бўлиши мумкин. Бизгача ҳамма нарса кашф этилган. Аммо гаройиб дунё янада гаройиб тадқиқотларга муҳтож”.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. -Т., “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2003, 5-том, 112-бет.
2. Комилов Н. Тасаввуф. “Мовароннахр” –“Ўзбекистон”. –Т.: 2009 йил.

3. Карабаев У. Нажмиддин Кубро мероси ва унинг “Латоиф” назарияси. // Санъат журнали. Т.: 2001, №3, 20-бет.
4. Носифий Ҳожа Ахмад Яссавий.-Т:. Faфур Гулом номидаги «Адабиёт ва санъат» нашриёти, 1993 йил.12 бет.
5. Булатов С.С. Мансуров У. Миллий меморчилигигида амалий санъат фалсафи. Т., фан,2005.
- 6.Булатов С.С. Аханов Б. ранг психологияси Т., 2003
- 7.Сиесарев Г.П.Хорезмийские легенды как источник по истории религиозных культов Средней Азии, М.,1983.
- 8.Султонов Д. Тириклик тимсоли тафаккур журнали. –2003, № 2 ва бошқалар.
- 9.Жузжоний А.Ш., Тасаввуф сабоқлари, Т;
- 10.Комилов К. Нажмидин Кубро.Т. А.Қодирий номидаги халқ мероси наширлари 1995.